ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИКАЛИКОВ ФАРХАД АБДИЖАЛИЕВИЧ

РЕГРЕССИЯ МОДЕЛЛАРИДА ШАРТЛИ ФУНКЦИОНАЛЛАРНИНГ СТАТИСТИК БАҲОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018 йил.

УДК: 517.24

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИКАЛИКОВ ФАРХАД АБДИЖАЛИЕВИЧ

РЕГРЕССИЯ МОДЕЛЛАРИДА ШАРТЛИ ФУНКЦИОНАЛЛАРНИНГ СТАТИСТИК БАҲОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018 йил.

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM165 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдушукуров Абдурахим Ахмедович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хусанбоев Ёқубжон Мухамаджонович** физика-математика фанлари доктори
	Сагидуллаев Калмурза Сапарбаевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Наманган Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Қ.Форманов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар маълумотларини статистик таҳлил қилиш натижаларининг муқаррарлиги танланган статистик моделнинг адекватлиги даражасига боғлиқ бўлади. Статистикада ўрганилаётган сонли маълумотларнинг ковариаталарга боғлиқлигини ифодаловчи статистик моделни қуриш долзарб ҳисобланади. Амалий тадқиқотларда статистик маълумотларни таҳлил қилишда кўп ҳолда тўлиқ бўлмаган, яъни цензурланган кўп ўлчовлик, боғлиқ, бир жинсли бўлмаган керакли ва ҳалақит берувчи (цензорлар) сонли маълумотлар билан ишлашга тўғри келади. Бунда бизни қизиқтирувчи тасодифий миқдорлар (т.м.) ўз қийматларини бирор ҳодисаларни рўй беришига боғлиқ равишда қабул қиладилар. Шартли эҳтимоллик ёки унинг функционалларини тўлиқ бўлмаган маълуматларнинг регрессия моделларида баҳолаш математик статистиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда тўлиқ бўлмаган кузатилмаларнинг турли моделларида тақсимотларнинг функционалларини баҳолаш масалалари ва уларни сонли маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ амалий тадқиқотларда қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Кузатилмалар турли тасодифий цензурланган ҳолда шартли тақсимотларнинг функционалларининг статистик баҳоларини тадқиқ қилиш, баҳолар учун т.м. ларнинг нормалланган йиғиндиси орқали асимптотик ифодаланишини ўрнатиш ва нормалланган жараёнларнинг асимптотик Гаусс хоссаларини исботлаш, нопараметрик баҳоларнинг бутстреп аналогларини тадқиқ қилиш, кучсиз боғлиқлик регрессия моделида шартли умр давомийлиги функцияси баҳосининг квадратик риск функциясини минималлаштириш орқали ойна кенглиги кетма-кетлиги оптимал параметрини танлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий тадбиққа эга бўлган эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг долзарб йўналишларига, жумладан тўлиқ бўлмаган танланмалар статистикасининг ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида тўлиқ бўлмаган танланмаларнинг турли статистик моделларида функционал характеристикаларни нопараметрик ва яримпараметрик баҳолаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. “Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика” фанининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда статистик баҳолаш ва гипотезаларни текширишнинг асимптотик назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги №ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги №ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умр давомийлиги функциясини регрессия моделида статистик баҳолаш усуллари кўплаб муаллифларнинг илмий ишларида кўриб ўтилган. Хусусан, Э.А.Надарая, Ж.С.Ватсон, С.Ж.Стоун, Р.Беран, В.Хардли, Т.Гэссер, Х.Г.Мюллер, Н.Веравербеке, М.Г.Акритас, И.Ван Кайлегом, Р.Брэкерс, С.Кадарсо-Суарес каби олимларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Уларда умр давомийлиги функционалларини регрессия моделларидаги сонли маълумотлар тўлиқ бўлган ва баъзи тўлиқ бўлмаган моделлари орқали нопараметрик ва яримпараметрик баҳолари қурилган ва тадқиқ қилинган.

Н.Веравербеке, И.Ван Кайлегомлар асосан кўпайтма кўринишидаги Беран баҳоси ва пропорционал интенсивликлар моделида (ПИМ) ACL-баҳосини ўрганишган. Шуни таъкидлаш лозимки, Беран баҳоси Каплан-Мейернинг кўпайтма баҳосининг умумлашмаси бўлиб, у бир қатор камчиликларга эга: баҳо бутун сон ўқида аниқланмаган, унинг сакраш катталиклари кузатилмаларнинг цензурланганлигига боғлиқ ва демак кучли цензурланиш моделлари учун ноэффектив баҳодир.

А.А.Абдушукуров томонидан юқоридаги камчиликлардан холис бўлган даража кўринишидаги баҳолар таклиф этилган ва батафсил тадқиқ этилган. У бу баҳоларнинг Каплан-Мейернинг кўпайтма типидаги баҳоларига нисбатан афзалликларини кўрсатиб ўтган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университетининг Ф4-01 «Тақсимотлар функционал характеристикаларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва статистик баҳоларнинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли боғлиқ тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган регрессия моделларида умр давомийлиги шартли тақсимотининг функционаллари учун нопараметрик ва яримпараметрик баҳоларини қуриш ва уларни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилмалар ўнг томондан тасодифий цензурланганида шартли умр давомийлиги функцияси учун нопараметрик даражали баҳони қуриш ва унинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш;

фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилмалар ўнг томондан қисман-информатив тасодифий цензурланганида шартли умр давомийлиги функцияси учун яримпараметрик даражали баҳони қуриш ва унинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш;

нопараметрик даражали баҳонинг бутстреп аналогини кузатилмалар ўнгдан тасодифий цензурланган регрессия моделида қуриш ва тадқиқ қилиш;

фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилмалар икки томондан тасодифий цензурланганида шартли умр давомийлиги функцияси учун нопараметрик даражали баҳони қуриш ва унинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш;

регрессия моделида кузатилмалар икки томондан информатив тасодифий цензурланганида яримпараметрик шартли умр давомийлиги функцияси учун даражалик баҳони қуриш ва унинг асимптотик хоссаларини тадқиқ қилиш;

гетеросцедастик регрессия моделида кузатилмалар α-қоришганлик хоссасига эга бўлганида шартли умр давомийлиги функциясини вазнлик баҳосини қуриш ва тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти регрессия моделларидаги кузатилмалар тўлиқ ва тасодифий цензурланганида шартли тақсимот функционалларининг нопараметрик ва яримпараметрик баҳоларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети регрессия моделларидаги кузатилмалар тўлиқ бўлмаган ва кучсиз боғлиқ бўлганида шартли тақсимот функционалларининг асимптотик хоссаларидан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик баҳонинг ўрнига қуйиш усули, дельта усул ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилмалар ўнг томондан тасодифий ва қисман информатив тасодифий цензурланганида даражали кўринишдаги баҳолар қурилган;

даражали кўринишдаги баҳоларни боғлиқсиз тасодифий функциялар йиғиндиси орқали тезлиги баҳоланган ҳолда аппроксимацияси ўрнатилган;

бутстреп танланма орқали тузилган баҳонинг Гаусс жараёнига кучсиз яқинлашиши ўнг томондан цензурланиш бўлган ҳолида исботланган;

фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилмалар икки томондан тасодифий цензурланганида даража кўринишдаги баҳо қурилган;

даража кўринишидаги баҳо боғлиқсиз тасодифий функциялар йиғиндиси орқали тезлиги баҳоланган ҳолда аппроксимацияси ўрнатилган;

регрессия моделида кузатилмалар икки томондан информатив тасодифий цензурланганида яримпараметрик даража кўринишидаги баҳо қурилган;

баҳо боғлиқсиз тасодифий функциялар йиғиндиси орқали аппроксимация қилинган ва Гаусс жараёнига кучсиз яқинлашиши исботланган;

гетеросцедастик регрессия моделида кузатилмалар α-қоришганлик хоссасига эга бўлганида вазнлик ядровий баҳо қурилган ва у учун оптимал риск ўрнатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари шартли тақсимот функционаллари учун қурилган нопараметрик ва яримпараметрик баҳолар умр давомийлиги кўринишидаги сонли маълумотларни таҳлил қилишда эҳтимолликларни ҳисоблашда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Эҳтимоллар назарияси, математик статистиканинг усулларини қўлланилиши, ҳамда даъволарнинг исботларининг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти регрессия моделларидаги кузатилмалар турли маънода тўлиқ бўлмаган ва кучсиз боғлиқликка эгалигида шартли тақсимот функционаллари учун нопараметрик ва яримпараметрик баҳолар қурилганлиги ва уларнинг тадқиқ қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сонли маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳолда статистик баҳолашда ҳамда математик статистика бўйича махсус курсларни ўқитилишида фойдаланиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ковариаталарга боғлиқ тўлиқ бўлмаган танланмалар моделларини тадқиқ этишга оид олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

регрессия моделидаги кузатилмалар тўлиқ бўлмаган ҳолда умр давомийлиги функциясининг нопараметрик баҳоси, ушбу баҳонинг хоссалари Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси томонидан тадқиқ қилинаётган маълумотларни таҳлил қилишда фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг 2018 йил 17 мартдаги 01/3-02-23/2-496 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўрганилаётган сонли маълумотлар ковариаталарга боғлиқ бўлган ҳолда статистик маълумотлар бўйича тўғри хулоса чиқариш имконини берган;

қурилган баҳоларнинг асимптотик ёйилмалари, нормаллик хоссалари Ё-Ф4-07 ёшлар фундаментал лойиҳасида маргинал тақсимотлар нопараметрик баҳоларини қуришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1210 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши биргаликдаги тақсимотлар нопараметрик баҳолари хоссаларини тадқиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Регрессия моделлари ва шартли тақсимотлар функционалларни баҳолаш»** деб номланувчи биринчи бобида фиксирланган дизайн нуқталарга эга регрессия ҳамда гетеросцедастик регрессия моделлари аниқланган.

Фараз қилайлик, (Z, X) тасодифий векторнинг биргаликдаги тақсимот функцияси (т.ф.) $F(t;x) = P(Z \le t; X \le x)$, зичлик функцияси $f(t;x)$ ва берилган ковариата $X = x$ да шартли т.ф. $F_x(t) = P(Z \le t / X = x)$, $(t,x) \in R^+ \times \mathcal{D}_X$ бўлсин. $F_x(t) = M[I(Z \le t) / X = x]$ бўлгани учун $F_x(t)$ т.ф. $I(Z \le t)$ нинг X даги регрессиясидир. $F_x(t)$ ни баҳолаш учун Стоун ва Надарая-Ватсон баҳолари қўлланилиши мумкин. Бу баҳолар (Z, X) жуфтликни кузатишдан олинган n ҳажмдаги танланма бўйича тузилган вазнлик эмпирик тақсимот тузилишига эгадир:

$$F_{xh}(t) = \sum_{i=1}^{n} \Psi_{ni}(x;h_n) I(Z_i \le t), \ (t,x) \in R^+ \times \mathcal{D}_X, \qquad (1)$$

бу ерда Z_i орқали Z нинг $X_i = x$ даги қиймати, $\Psi_{ni}(x;h_n)$ – нормалланган вазн функцияси шундайки, барча $x \in \mathcal{D}_X$ ларда, $\sum_{i=1}^{n} \Psi_{ni}(x;h_n) = 1$, $\{h_n, n \ge 1\}$ – мусбат сонлар кетма-кетлиги («ойна кенглиги») шундайки, $h_n \to 0$, $n \to \infty$. Хусусан, $\Psi_{ni}(x;h_n) \equiv \frac{1}{n}$ бўлса, (1) баҳо эмпирик т.ф. билан устма-уст тушади.

Фиксирланган дизайнлик регрессия моделида X нинг қийматлари тўплами $\mathcal{D}_X = [0,1]$ бўлиб, унинг тажрибадаги қийматлари – дизайн нуқталари $\{x_i, i = \overline{1,n}\}$ лар камаймайдиган $x_1 \le ... \le x_n$ қаторни ташкил этади ва улар, масалан, умр давомийлиги Z бўлган индивидуум устидан ўтказилган тиббий тажрибаларда дори воситасининг дозасини ифодалайди. Бу ҳолда $Z_i = Z_{x_i}$ миқдор Z нинг берилган ковариата $X = x_i$ даги қийматидир. Стоуннинг (1) кўринишдаги баҳоси Гессер-Мюллернинг ($x_0 = 0$ ва $\Psi_{ni}(\cdot) = \omega_{ni}(\cdot)$ даги) қуйидаги вазн функцияси билан аниқланади:

$$\begin{gathered} \omega_{ni}\left(x;h_n\right) = C_n^{-1}\left(x;h_n\right)\int\limits_{x_{i-1}}^{x_i}\frac{1}{h_n}\pi\left(\frac{x-y}{h_n}\right)dy,\ i=\overline{1,n}, \\ C_n\left(x;h_n\right) = \int\limits_0^{x_n}\frac{1}{h_n}\pi\left(\frac{x-y}{h_n}\right)dy,\ x\in[0,1]. \end{gathered} \tag{2}$$

Бу ерда ядро π берилган зичлик функцияси. Фиксирланган $x_1,\ldots,x_n$ дизайн нуқталари учун $\underline{\Delta}_n = \min\left\{(x_i - x_{i-1}), 1\le i\le n\right\}$, $\overline{\Delta}_n = \max\left\{(x_i - x_{i-1}), 1\le i\le n\right\}$ белгилашлар киритайлик ва $\tau_{F_x} = \sup\{t\ge 0: F_x(t)=0\}$, $T_{F_x} = \inf\{t\ge 0: F_x(t)=1\}$, $\|\pi\|_2^2 = \int\limits_{-\infty}^{\infty}\pi^2(y)dy$, $m_1(\pi) = \int\limits_{-\infty}^{\infty}y\pi(y)dy$ ва $m_2(\pi) = \int\limits_{-\infty}^{\infty}y^2\pi(y)dy$ бўлсин. Дизайн нуқталари ва ядро учун қуйидаги шартларни киритамиз:

(У1) $n\to\infty$ да $x_n\to 1$, $\overline{\Delta}_n = O(n^{-1})$, $\overline{\Delta}_n - \underline{\Delta}_n = o(n^{-1})$;

(У2) Ядро π компакт $[-M,M]$, $M>0$, соҳада аниқланган зичлик функцияси $m_1\left(\pi\right)=0$ ва Липщиц шартини қаноатлантирсин: $\left|\pi\left(y\right)-\pi\left(y'\right)\right|\le C_\pi\left|y-y'\right|$, $y,y'\in[-M,M]$;

Фиксирланган $T<T_{F_x}$ учун қуйидаги шартларни киритамиз:

(У3) $\dot{F}_x(t) = \frac{\partial}{\partial x}F_x(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[0,T]\times[0,1]$;

(У4) $F_x'(t) = \frac{\partial}{\partial t}F_x(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[0,T]\times[0,1]$;

(У5) $\ddot{F}_x(t) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}F_x(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[0,T]\times[0,1]$;

(У6) $F_x''(t) = \frac{\partial^2}{\partial t^2}F_x(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[0,T]\times[0,1]$;

(У7) $\dot{F}_x'(t) = \frac{\partial^2}{\partial x\partial t}F_x(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[0,T]\times[0,1]$;

Диссертациянинг 1.2 параграфида (У1)-(У7) шартларнинг мослари ўринли эканлигида M.Aerts, P.Janssen, N.Veraverbeke (1994) ва I.Van Keilegom, N.Veraverbeke (1997) ларнинг илмий ишларидан (2) вазн функциясига эга бўлган Стоун (1) баҳосининг хоссалари олтита лемма кўринишида келтирилган: Лемма 1.2.1. (Силжиган ва дисперсия баҳоси); Лемма 1.2.2. (Нуқтавий кучли асослилик); Лемма 1.2.3. (Дворецкий-Кифер-Вольфовиц типидаги экспоненциал баҳо); Лемма 1.2.4. (Текис кучли асослилик тезлиги); Лемма 1.2.5. (Узлуксизлик модули учун экспоненциал баҳо) ва Лемма 1.2.6. (Узлуксизлик модулининг 1 эҳтимоллик хоссаси). Ушбу леммалар иккинчи ва учинчи бобларда тўлиқ бўлмаган танланмалар бўлган ҳолда даража кўринишидаги баҳоларни тадқиқ қилишда қўлланилади.

Z нинг X даги гетеросцедастик регрессия модели $Z = m(X) + \sigma(X)\varepsilon$ формула билан аниқланади, бу ерда Z асосий кузатиладиган т.м. (масалан, умр давомийлиги ёки бирор алмашиш), X - тасодифий ковариата ва $\mathbb{D}_X$ унинг қийматлари тўплами, ε хатолик эса X га боғлиқ эмас. Эгри чизиқлар: $m(x) = M\left(Z / X = x\right)$ – регрессия функцияси, шартли дисперсия $\sigma^2(x) = D\left(Z / X = x\right)$ мумкин бўлган гетеросцедастикликни ифодалайди. Регрессиянинг бу моделида асосий масала силжиш $m(\cdot)$ нинг ва масштаб $\sigma(\cdot)$ нинг шартли т.ф. $F_x(t) = P(Z \le t / X = x)$, $(t,x) \in R^+ \times \mathbb{D}_X$, ни баҳоси орқали баҳо тузишдан иборатдир. $m(\cdot)$ ва $\sigma(\cdot)$ лар учун қуйидаги ифодалар ўринли:

$$m(x) = \int_0^1 F_x^{-1}(s) J(s) ds, \; \sigma^2(x) = \int_0^1 \left(F_x^{-1}(s)\right)^2 J(s) ds - m^2(x), \tag{3}$$

бу ерда $F_x^{-1}(s) = \inf\{y : F_x(y) \ge s\}, 0 \le s \le 1,$ Z т.м. нинг $X = x$ даги квантиль функцияси ва $J(s)$ берилган функция шундайки, $J(s) \ge 0$ ва $\int_0^1 J(s) ds = 1.$

Гетеросцедастик регрессия моделида $F_x(t)$ шартли т.ф. учун Надарая-Ватсоннинг (1) кўринишидаги $(Z_1, X_1),...,(Z_n, X_n)$ танланма буйича қурилган баҳосини кўрамиз:

$$\tilde{F}_{xh}\left(t\right) = \sum_{i=1}^{n} \Psi_{ni}\left(x; h_n\right) I(Z_i \le t), \quad (t,x) \in R^+ \times \mathbb{D}_X, \tag{4}$$

бу ерда $\Psi_{ni}\left(x; h_n\right) = \left[\sum_{j=1}^{n} k\left(\frac{x - X_j}{h_n}\right)\right]^{-1} k\left(\frac{x - X_i}{h_n}\right), i = \overline{1,n},$ – вазн функциялари $\left\{h_n \downarrow 0, n \to \infty\right\}$ кетма-кетлик ва $k(\cdot)$ ядро билан аниқланади. (4) баҳо $\{Z_1,...,Z_n\}$ т.м. лар кучсиз боғлиқ, яъни α-қоришганлик хоссасини қаноатлантирган ҳолда тўртинчи бобда тадқиқ қилинади.

Диссертациянинг **«Шартли тақсимот функцияси учун ўнгдан тасодифий цензурланиш бўлган ҳолда даража кўринишидаги баҳоларнинг хоссалари»**, деб номланувчи иккинчи бобида фиксирланган дизайн регрессия моделидаги кузатилмалар ўнг томондан тасодифий цензурланганида шартли т.ф. учун нопараметрик ва яримпараметрик даража кўринишидаги баҳолар таклиф этилган ва тадқиқ этилган.

Фараз қиламиз, бизни қизиқтирувчи боғлиқсиз $Z_1,\ldots,Z_n$ т.м. лар ўнг томондан мос равишда бошқа боғлиқсиз $C_1,\ldots,C_n$ т.м. лар билан ўнгдан цензурланган бўлиб, кузатилаётган танланма $S_1^{(n)} = \left\{\left(\xi_i, \delta_i, X_i\right), i = \overline{1,n}\right\}$, бу ерда $\xi_i = \min(Z_i, C_i)$ ва $\delta_i = I(Z_i \le C_i)$. Бунда Z_i ва C_i лар берилган $X_i = x_i$ да шартли боғлиқсиз. F_{x_i}, G_{x_i} ва H_{x_i} лар орқали мос равишда Z_i, C_i ва ξ_i ларнинг берилган $X_i = x_i$ даги шартли т.ф. ларини белгилаймиз. x_i лар [0,1] даги шундай фиксирланган нуқталарки, $0 = x_0 \le x_1 \le ... \le x_n \le 1$. Кўриш осонки,

$H_{x_i}(t)=1-(1-F_{x_i}(t)(1-G_{x_i}(t)),\ t\in R^+$. Фиксирланган $x\in[0,1]$ нуқталари учун F_x, G_x ва H_x лар орқали мос равишда Z_x, C_x ва $\xi_x=\min(Z_x,C_x)$ шартли т.ф. ларини белгилаймиз ва $\delta_x=I(Z_x\le C_x)$ бўлсин. Масала $F_x(t)$ ни халақат берувчи $G_x(t)$ шартли т.ф. бўлган ҳолда баҳолашдан иборатдир. Шартли $\tilde{H}_x(t)=P(\xi_x\le t,\delta_x=1)=\int_0^t(1-G_x(u-))dF_x(u)$, $\tilde{\tilde{H}}_x(t)=P(\xi_x\le t,\delta_x=0)=\int_0^t(1-F_x(u))dG_x(u)$. субтақсимотларни аниқлаймиз. Уларга мос интеграл интенсивлик функциялари $\tilde{\Lambda}_x(t)=\int_0^t\frac{dF_x(u)}{1-F_x(u)}=\int_0^t\frac{d\tilde{H}_x(u)}{1-H_x(u-)}$, $\tilde{\tilde{\Lambda}}_x(t)=\int_0^t\frac{dG_x(u)}{1-G_x(u-)}=\int_0^t\frac{d\tilde{\tilde{H}}_x(u)}{1-H_x(u-)}$.

$S_1^{(n)}$ танланма орқали (2) вазн функцияси билан тузилган (1) Стоун баҳосини қўллаб, $\tilde{H}_x$, $\tilde{\tilde{H}}_x$, H_x, $\tilde{\Lambda}_x$, $\tilde{\tilde{\Lambda}}_x$ ва $\Lambda_x=\tilde{\Lambda}_x+\tilde{\tilde{\Lambda}}_x$ ларнининг қуйидаги баҳоларини қуриб оламиз:

$$\tilde{H}_{xh}(t)=\sum_{i=1}^n\omega_{ni}(x;h_n)I(\xi_i\le t,\delta_i=1),\ \tilde{\tilde{H}}_{xh}(t)=\sum_{i=1}^n\omega_{ni}(x;h_n)I(\xi_i\le t,\delta_i=0),$$

$$H_{xh}(t)=\sum_{i=1}^n\omega_{ni}(x;h_n)I(\xi_i\le t),\ \tilde{\Lambda}_{xh}(t)=\int_0^t\frac{d\tilde{H}_{xh}(u)}{1-H_{xh}(u-)},$$

$$\tilde{\tilde{\Lambda}}_{xh}(t)=\int_0^t\frac{d\tilde{\tilde{H}}_{xh}(u)}{1-H_{xh}(u-)},\ \Lambda_{xh}(t)=\tilde{\Lambda}_{xh}(t)+\tilde{\tilde{\Lambda}}_{xh}(t).$$

$F_x(t)$ учун тавсия этилаётган баҳо қуйидаги даража кўринишидадир:

$$F_{xh}(t)=1-\left[1-H_{xh}(t)\right]^{R_{xh}(t)},\ (t,x)\in R^+\times[0,1], \tag{5}$$

бу ерда $R_{xh}(t)=\tilde{\Lambda}_{xh}(t)(\Lambda_{xh}(t))^{-1}$. $F_{xh}(t)-F_x(t)$ ни фиксирланган x нуқтанинг U_x атрофида яқинлашиш тезлиги баҳоси билан тасодифий функциялар йиғиндиси орқали кучли аппроксимацияси ҳақидаги қуйидаги даъво ўринлидир.

Теорема 1. Фараз қилайлик, (У1), (У2) шартлар ва H_x, $\tilde{H}_x$ функциялар учун (У5)-(У7) шартлар $[\tau,T]$ оралиқда бажарилсин, бу ерда $\tau_{H_x}<\tau<T<T_{H_x}$, ҳамда $n\to\infty$ да $h_n\to0$, $\frac{\log n}{nh_n}=o(1)$, $\frac{nh_n^5}{\log n}=O(1)$ бўлсин. У ҳолда $\tau\le t\le T$ да

$$F_{xh}(t)-F_x(t)=\sum_{i=1}^n\omega_{ni}(x;h_n)\Psi_{tx}\left(\xi_i,\delta_i\right)+R_n(t,x),$$

бу ерда

$$\Psi_{tx}\left(\xi_i,\delta_i\right)=\left(1-F_x(t)\right)\left\{\int_0^t\frac{I(\xi_i\le u)-H_x(u)}{(1-H_x(u))^2}d\tilde{H}_x(u)+\right.$$
$$\left.+\frac{I(\xi_i\le t,\delta_i=1)-\tilde{H}_x(t)}{1-H_x(t)}-\int_0^t\frac{I(\xi_i\le u,\delta_i=1)-\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}dH_x(u)\right\},$$

ва $n\to\infty$ да $\sup_{\tau\le t\le T}\left|R_n(t,x)\right|\overset{\text{д.х.}}{=}O\left(\left(nh_n\right)^{-3/4}\left(\log n\right)^{3/4}\right)$.

Натижа 1. Теорема 1 шартларида (5) баҳонинг $n\to\infty$ да текис кучли асослилиги келиб чиқади:

$$\sup_{\tau\le t\le T}\left|F_{xh}(t)-F_x(t)\right|\overset{\text{д.х.}}{=}O\left((nh_n)^{-1/2}(\log n)^{1/2}\right).$$

(5) баҳонинг асимптотик нормаллик хоссалари қуйидаги теоремада келтирилган.

Теорема 2. Фараз қилайлик, (У1), (У2) шартлар ўринли, ҳамда H_x ва $\tilde{H}_x$ функциялар (У5)-(У7) шартларни $\tau\le t\le T$ да қаноатлантирсин.

(A) Агар $n\to\infty$ да $nh_n^5=o(1)$ ва $\left(nh_n\right)^{-1}\left(\log n\right)^3=o(1)$ бўлса, у ҳолда

$$\left(nh_n\right)^{1/2}\left(F_{xh}(t)-F_x(t)\right)\overset{D}{\Rightarrow}N\left(0;\tilde{\sigma}_x^2(t)\right);$$

(B) Агар бирор $C>0$ учун $h_n=Cn^{-1/5}$ бўлса, у ҳолда $n\to\infty$ да

$$\left(nh_n\right)^{1/2}\left(F_{xh}(t)-F_x(t)\right)\overset{D}{\Rightarrow}N\left(\tilde{a}_x(t);\tilde{\sigma}_x^2(t)\right),$$

бу ерда

$$\tilde{a}_x(t)=\frac{1}{2}\left(1-F_x(t)\right)\left\{\int_0^t\frac{\ddot{H}_x(u)d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}+\int_0^t\frac{d\ddot{\tilde{H}}_x(u)}{1-H_x(u)}\right\}m_2(\pi)C^{5/2},$$

$$\tilde{\sigma}_x^2(t)=\left\|\pi\right\|_2^2(1-F_x(t))^2\int_0^t\frac{d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}.$$

Энди $\left\{W_{nx}(t)=(nh_n)^{1/2}(F_{xh}(t)-F_x(t))\right\}$ жараённинг $D[\tau,T]$ Скороход фазосида мос шартларда ўрта қиймати ноль ва $s,t\in[\tau,T]$ да ковариация функцияси

$$Q_{st}=\left\|\pi\right\|_2^2(1-F_x(t))(1-F_x(s))\int_0^{\min(t,s)}\frac{d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2},$$

бўлган $W_x(t)$, ҳамда ўрта қиймати $\tilde{a}_x(t)$ ва ковариация функцияси Q_{st} бўлган $\tilde{W}_x(t)$ Гаусс жараёнларига кучсиз яқинлашиши ҳақидаги даъвони келтирамиз.

Теорема 3. Фараз қилайлик, Теорема 2 шартлари ўринли бўлсин. У ҳолда

$(A)'$. (A) шартларда: $W_{nx}(\cdot)\overset{D}{\Rightarrow}W_x(\cdot)$, $D[\tau,T]$ да;

$(B)'$. (B) шартларда: $W_{nx}(\cdot)\overset{D}{\Rightarrow}\tilde{W}_x(\cdot)$, $D[\tau,T]$ да.

Параграф 2.2 да фиксирланган дизайн регрессия моделидаги кузатилмалар ўнгдан қисман информатив цензурланганида шартли т.ф. учун яримпараметрик баҳо қурилган ва тадқиқ этилган. Бу ҳолда $S_2^{(n)}=\left\{\left(\xi_i,\delta_i,X_i\right),i=\overline{1,n}\right\}$ танланма кузатилади, бу ерда $\xi_i=\min(Z_i,Y_{1i},Y_{2i})$, индикаторли т.м.

$$\delta_i=\begin{cases}-1,\text{агар } Y_{2i}\le\min(Z_i,Y_{1i}),\\ 0,\text{агар } Y_{1i}\le\min(Z_i,Y_{2i}),\\ 1,\text{агар } Z_i\le\min(Y_{1i},Y_{2i}),\end{cases}$$

ва демак бизни қизиқтирувчи т.м. фақат $\delta_i = 1$ бўлгандагина кузатилади. $S_2^{(n)}$ танланмада боғлиқсиз бўлган $(Z_1, Y_{11}, Y_{21}), ..., (Z_n, Y_{1n}, Y_{2n})$ векторларнинг компоненталари $X_i = x \in [0,1]$ берилганида шартли боғлиқсиздир. Кўриш мумкинки, $S_2^{(n)}$ танланмада Z_x т.м. лар $\min(Y_{1x}, Y_{2x})$ т.м. лар билан ўнгдан цензурлангани учун $H_x(t) = P(\xi_x \le t) = 1 - (1 - K_x(t))(1 - G_{2x}(t))$, бу ерда $K_x(t) = P(\min(Z_x, Y_{1x}) \le t) = 1 - (1 - F_x(t))(1 - G_{1x}(t))$. Ушбу моделда цензурланиш қисман информативдир, яъни (Z_x, Y_{1x}) жуфтлик ПИМ ни қаноатлантиради. ПИМ да шундай $\beta_x > 0$ сон мавжуд бўлиб, $1 - G_{1x}(t) = (1 - F_x(t))^{\beta_x}$, $t \ge 0$, деб фараз қилинади. Кўрилаётган моделда $F_x(t)$ учун баҳони $S_2^{(n)}$ танланма бўйича қуйидагича қурамиз:

$$1 - F_{xh}^0(t) = \left[1 - H_{xh}(t)\right]^{\gamma_{xh} R_{xh}^0(t)}, (t, x) \in R^+ \times [0,1], \tag{6}$$

бу ерда $\gamma_{xh} = p_{xh}^{(1)}(p_{xh}^{(1)} + p_{xh}^{(0)})^{-1}$, $p_{xh}^{(m)} = \sum_{i=1}^{n} \omega_{ni}(x; h_n) I(\delta_i = m)$, $m = -1, 0, 1;$

$R_{xh}^0(t) = \tilde{\Lambda}_{xh}(t)(\Lambda_{xh}(t))^{-1}$, $\Lambda_{xh}(t) = \tilde{\Lambda}_{xh}(t) + \tilde{\tilde{\Lambda}}_{xh}(t)$, $H_{xh}(t) = \tilde{H}_{xh}(t) + \tilde{\tilde{H}}_{xh}(t)$,

$\tilde{H}_{xh}(t) = \sum_{i=1}^{n} \omega_{ni}(x; h_n)(\xi_i \le t, \delta_i \ne -1)$, $\tilde{\tilde{H}}_{xh}(t) = \sum_{i=1}^{n} \omega_{ni}(x; h_n) I(\xi_i \le t, \delta_i = -1)$.

$\tilde{H}_x^{(1)}(t) = P(\xi_x \le t, \delta_x = 1)$, $\tilde{H}_x^{(0)}(t) = P(\xi_x \le t, \delta_x = 0)$, белгилашларни киритайлик. У ҳолда $\tilde{H}_x(t) = P(\xi_x \le t, \delta_x \ne -1) = \tilde{H}_x^{(0)}(t) + \tilde{H}_x^{(1)}(t)$. (6) баҳонинг формуласида γ_{xh} статистика $\gamma_x = (\beta_x + 1)^{-1} = p_x^{(1)}(p_x^{(1)} + p_x^{(0)})^{-1}$ эҳтимолликнинг баҳоси бўлиб,

$$p_x^{(0)} = \tilde{H}_x^{(0)}(\infty) = \beta_x p_x^{(1)}, \; p_x^{(1)} = \tilde{H}_x^{(1)}(\infty) = \int_0^{\infty} (1 - F_x(u))^{\beta_x} (1 - G_{2x}(u-)) dF_x(u),$$

$$p_x^{(0)} + p_x^{(1)} = 1 - p_x^{(-1)}, \; p_x^{(-1)} = \tilde{\tilde{H}}_x(\infty).$$

Бу параграфда (У1), (У2), шартлар билан биргаликда қуйидагини киритамиз:

(У3)' $\ddot{H}_x(t)$, $\ddot{\tilde{H}}_x(t)$, $H_x''(t)$, $\tilde{H}_x''(t)$, $\dot{H}_x'(t)$, $\dot{\tilde{H}}_x'(t)$ мавжуд ва узлуксиз, $(t, x) \in [\tau, T] \times [0,1]$;

(У4)' $\ddot{p}_x^{(m)}$, $m = 0,1$, мавжуд ва узлуксиз, $x \in [0,1]$.

Теорема 4. Фараз қилайлик, (У1), (У2) шартлар ва H_x, $\tilde{H}_x$, $p_x^{(m)}$, $m = 0,1$, функциялар учун (У3)', (У4)' шартлар бажарилсин, $n \to \infty$ да $h_n \to 0$, $\frac{\log n}{nh_n} = o(1)$ ва $\frac{nh_n^5}{\log n} = O(1)$ бўлсин. У ҳолда $\tau \le t \le T$ да

$$\sup_{\tau \le t \le T} \left| F_{xh}^0(t) - F_x(t) \right| \overset{\text{д.х.}}{=} O\left((nh_n)^{-1/2} (\log n)^{1/2} \right).$$

(6) баҳо учун тасодифий функцияларнинг нормалланган йиғиндиси орқали асимптотик ифодаланиши ҳақидаги даъво ўринлидир.

Теорема 5. Теорема 4 нинг шартларида, $\tau \le t \le T$ ва $n \to \infty$ да

$$F_{xh}^0(t) - F_x(t) = \sum_{i=1}^{n} \omega_{ni}(x; h_n) \Psi_{tx}^0(\xi_i, \delta_i) + R_n^0(t, x),$$

бу ерда

$$\Psi_{tx}^{0}\left(\xi_i,\delta_i\right)=\gamma_x(1-F_x(t))\left\{\int_0^t \frac{(I(\xi_i\le u)-H_x(u))d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}+\right.$$

$$+\frac{(I(\xi_i\le t,\delta_i\ne -1)-\tilde{H}_x(t))}{1-H_x(t)}-\int_0^t \frac{(I(\xi_i\le u,\delta_i\ne -1)-\tilde{H}_x(u))dH_x(u)}{(1-H_x(u))^2}-$$

$$\left.-\frac{1}{(p_x^{(1)})^2}\log(1-F_x(t))\left[p_x^{(0)}I(\delta_i=1)-p_x^{(1)}I(\delta_i=0)\right]\right\},$$

ва $n\to\infty$ да, $\sup\limits_{\tau\le t\le T}\left|R_n^0(t,x)\right|\overset{\text{д.х.}}{=}O\left((nh_n)^{-3/4}(\log n)^{3/4}\right)$.

(6) баҳонинг асимптотик нормаллик хоссаси қуйидаги теоремада келтирилган.

Теорема 6. Фараз қилайлик, (У1), (У2) шартлар, ҳамда H_x, $\tilde{H}_x$, $p_x^{(m)}$, $m=0,1$, функциялар учун (У3)', (У4)' шартлар $\tau\le t\le T$ да бажарилсин.

(A) Агар $n\to\infty$ да $nh_n^5=o(1),\left(nh_n\right)^{-1}\left(\log n\right)^3=o(1)$ бўлса, у ҳолда

$$\left(nh_n\right)^{1/2}\left(F_{xh}^0(t)-F_x(t)\right)\overset{D}{\Rightarrow}N\left(0;\sigma_x^{*^2}(t)\right);$$

(B) Агар бирор $C>0$ да $h_n=Cn^{-1/5}$, $n\to\infty$ бўлса, у ҳолда

$$\left(nh_n\right)^{1/2}\left(F_{xh}^0(t)-F_x(t)\right)\overset{D}{\Rightarrow}N\left(a_x^*(t);\sigma_x^{*^2}(t)\right),$$

бу ерда

$$a_x^*(t)=\frac{1}{2}\gamma_x\left(1-F_x(t)\right)\left\{\int_0^t \frac{\ddot{H}_x(u)d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}+\int_0^t \frac{d\ddot{\tilde{H}}_x(u)}{1-H_x(u)}-\right.$$

$$\left.-\frac{1}{(p_x^{(1)})^2}\log(1-F_x(t))\left[p_x^{(0)}\ddot{p}_x^{(1)}-p_x^{(1)}\ddot{p}_x^{(0)}\right]\right\}m_2(\pi)C^{5/2},$$

$$\sigma_x^{*^2}(t)=\left\|\pi\right\|_2^2\gamma_x^2(1-F_x(t))^2\left\{\int_0^t \frac{d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}+\frac{p_x^{(0)}(p_x^{(0)}+p_x^{(1)})}{(p_x^{(1)})^3}\log^2(1-F_x(t))\right\}.$$

Ўрта қиймати ноль ва $s,t\in[\tau,T]$ ларда ковариацияси

$$Q_{st}^0=\left\|\pi\right\|_2^2\gamma_x^2(1-F_x(t))(1-F_x(s))\left\{\int_0^{\min(t,s)} \frac{d\tilde{H}_x(u)}{(1-H_x(u))^2}+\right.$$

$$\left.+\frac{p_x^{(0)}(p_x^{(0)}+p_x^{(1)})}{(p_x^{(1)})^3}\log(1-F_x(t))\log(1-F_x(s))\right\}$$

бўлган $W_x^{\,0}(t)$ ва ўрта қиймати $a_x^*(t)$ ва ковариацияси Q_{st}^0 бўлган $\tilde{W}_x^{\,0}(t)$ Гаусс жараёнларини кўрамиз. Белгилаб оламиз:

$$\{W_{nx}^{\,0}(t)=(nh_n)^{1/2}(F_{xh}^0(t)-F_x(t)),\tau\le t\le T\}.$$

Теорема 7. Фараз қилайлик, Теорема 6 шартлари ўринли бўлсин. У ҳолда

$(A)'$. (A) шартларда: $W_{nx}^{\,0}(\cdot)\overset{D}{\Rightarrow}W_x^{\,0}(\cdot)$, $D[\tau,T]$ да;

$(B)'$. (B) шартларда: $W_{nx}^{\,0}(\cdot)\overset{D}{\Rightarrow}\tilde{W}_x^{\,0}(\cdot)$, $D[\tau,T]$ да.

Диссертацияда (Изоҳ 2.2.2 да) ўнгдан цензурланишнинг информативлигини ҳисобга олувчи (6) баҳонинг (5) нинг ўрнида ишлатилиши тўғри эканлиги кўрсатилган. (6) баҳо (5) га нисбатан асимптотик эффективлиги қуйидаги тенгсизликнинг ўринли экани билан асосланган: $\|\pi\|_2^2 \gamma_x (1-F_x(t))^2 \log^2(1-K_x(t)) < \sigma_x^{*2}(t) < \tilde{\sigma}_x^2(t)$, $\tau \le t \le T$, бу ерда $\tilde{\sigma}_x^2(t)$ ва $\sigma_x^{*2}(t)$ лар мос равишда (5) ва (6) баҳоларнинг асимптотик дисперсияларидир.

Параграф 2.3 да (5) баҳонинг бутстреп аналоги тадқиқ қилинган. $F_{xg}(t)$ ва $G_{xg}(t)$ лар орқали $S_1^{(n)}$ танланма орқали ойна кенглиги $\{g_n \downarrow 0,\ n \to \infty\}$ бўлган ҳолда $F_x(t)$ ва $G_x(t)$ лар учун (5) даража кўринишидаги баҳоларни қурамиз, бунда $G_{xg}(t)$ баҳо $F_{xg}(t)$ дан барча δ_i индикаторларни $1-\delta_i$ га алмаштириб ҳисобланади. Янги бутстреп танланмани қуйидагича тузиб оламиз:

$Z_1^*,...,Z_n^*$ боғлиқ бўлмаган ва т.ф. си $F_{x_i g}$ бўлган т.м. лар;

$C_1^*,...,C_n^*$ боғлиқ бўлмаган ва т.ф. си $G_{x_i g}$ бўлган т.м. лар.

Бунда Z_i^* ва C_i^* лар боғлиқ эмас ва кузатилаётган танланма $S_1^{(n)*} = \left\{\left(\xi_i^*, \delta_i^*, X_i\right), i = \overline{1,n}\right\}$. Маълум тезлик билан $n \to \infty$ да $g_n / h_n \to \infty$, деб фараз қиламиз. Теорема 3 $(B)'$ нинг бутстреп вариантини келтирамиз. Бунинг учун (У2) шарт ўрнига қуйидагини қараймиз:

(У2)' π ядро икки марта диффереиалланувчи ва $[-M, M]$, $M > 0$, компакт соҳада аниқланган зичлик функция бўлиб, $m_1(\pi) = 0$, π''- узлуксиз ва $\pi(-M) = \pi'(-M) = \pi(M) = \pi'(M) = 0.$

$F_{xhg}^*(t)$ орқали $F_x(t)$ нинг $S_1^{(n)*}$ танланма орқали қурилган баҳосини белгилаймиз.

Теорема 8. Фараз қилайлик, (У1), (У2)' шартлар ўринли, ҳамда H_x ва $\tilde{H}_x$ тақсимотлар (У5)-(У7) шартларни қаноатлантирсин. Агар бирор $C > 0$ да $h_n = C n^{-1/5}$ ва $n \to \infty$ да $g_n \to 0$, $\dfrac{n g_n^5}{\log n} \to \infty$, бўлса, у ҳолда

$$(nh_n)^{1/2}(F_{xhg}^*(\cdot) - F_{xg}(\cdot)) \overset{D}{\Rightarrow} \tilde{W}_x(\cdot),\ P^*\text{-д.х.},\ D[\tau, T] \text{ да},$$

бу ерда $\tilde{W}_x(\cdot)$ теорема 3 да аниқланган Гаусс жараёни.

Диссертациянинг **«Кузатилмалар икки томондан тасодифий цензурланганида шартли умр давомийлиги функцияси баҳосининг асимптотик хоссалари»**, деб номланувчи учинчи боби фиксирланган дизайн регрессия моделида кузатилаётган т.м. лар икки томондан тасодифий цензурланганида даража кўринишидаги баҳолар тадқиқ этилган. Бунда қурилган баҳолар нопараметрик (3.1 параграф) ва яримпараметрик (3.2 параграф) кўринишидадир. Фараз қилайлик, бизни қизиқтирувчи Z т.м. икки томондан L ва Y т.м. лар орқали цензурланган бўлсин. Бунда $\{L, Z, Y\}$ т.м. лар $X = x$ ковариата қиймати берилганда боғлиқ эмас деб фараз қилинади. $\{L, Z, Y\}$ векторнинг боғлиқсиз қийматлари $\left\{\left(L_k, Z_k, Y_k\right), k = \overline{1,n}\right\}$

бўлиб, кузатилаётган танланма $S_3^{(n)}=\left\{\left(\xi_i,\chi_i^{(0)},\chi_i^{(1)},\chi_i^{(2)},X_i\right),i=\overline{1,n}\right\}$ бўлсин, бу ерда $\xi_i=\max\{L_i,\min(Z_i,Y_i)\}$, $\chi_i^{(0)}=I(\min(Z_i,Y_i)<L_i)$, $\chi_i^{(1)}=I(L_i\le Z_i\le Y_i)$, $\chi_i^{(2)}=I(L_i\le Y_i<Z_i)$. Кўриш мумкинки, Z_i лар фақат $\chi_i^{(1)}=1$ бўлган ҳолда кузатилади. Фараз қилайлик, ковариата қиймати $X_i=x_i$ берилганда Z_i, Y_i, L_i ва ξ_i т.м. ларга мос шартли т.ф. F_{x_i}, G_{x_i}, K_{x_i} ва H_{x_i} лар узлуксиз бўлсин. У ҳолда $H_{x_i}(t)=K_{x_i}(t)\left[1-(1-G_{x_i}(t))(1-F_{x_i}(t))\right]$, $t\ge 0$. Статистик масала (K_x,G_x) лар халақит берувчи бўлган ҳолда $F_x(t)$ ни $S_3^{(n)}$ танланма орқали баҳолашдан иборат. Бу моделда цензурланиш чап томондан ҳам руй бераётганлиги учун биз шартли т.ф. $F_{\tau x}(t)=P(Z_x\le t/Z_x\ge\tau), t\ge\tau\ge 0,$ ни баҳолаш масаласини кўриб ўтамиз. Субтақсимотлар $T_x^{(m)}(t)=P(\xi_x\le t,\chi_x^{(m)}=1)$ ва уларнинг эмпирик баҳоларин аниқлаймиз: $T_{xh}^{(m)}(t)=\sum_{i=1}^{n}\omega_{ni}\left(x;h_n\right)I(\xi_i\le t,\chi_i^{(m)}=1)$, $m=0,1,2$, бу ерда $H_x(t)=\sum_{m=0,1,2}T_x^{(m)}(t)$, $H_{xh}(t)=\sum_{m=0,1,2}T_{xh}^{(m)}(t)$. $q_{xh}(t)=K_{xh}(t)-H_{xh}(t)$, деб белгилаб олайлик, бу ерда

$$K_{xh}(t)=\exp\left\{\int_t^{+\infty}\frac{dT_{xh}^{(0)}(u)}{H_{xh}(u)}\right\},(t,x)\in[\tau,\infty)\times[0,1],$$

шартли т.ф. $K_x(t)$ нинг баҳоси. $\Lambda_{\tau x}^{(1)}(t)=\int_\tau^t\frac{dF_{\tau x}(u)}{1-F_{\tau x}(u)}$, шартли интеграл интенсивлик функциясини аниқлаймиз ва унинг баҳоси $\Lambda_{\tau xh}^{(1)}(t)=\int_\tau^t\frac{dT_{xh}^{(1)}(u)}{q_{xh}(u)}$, $(t,x)\in[\tau,\infty)\times[0,1]$. $F_{\tau x}(t)$ нинг баҳоси формуласи

$$1-F_{\tau xh}(t)=\left[\frac{q_{xh}(t)}{q_{xh}(\tau)}\right]^{R_{\tau xh}(t)},\ (t,x)\in[\tau,\infty)\times[0,1],$$

бўлиб, бу ерда $R_{\tau xh}(t)=\Lambda_{\tau xh}^{(1)}(t)\left[-\int_\tau^t\frac{dq_{xh}(u)}{q_{xh}(u)}\right]^{-1}$.

(У3)-(У7) шартлар ўрнига қуйидагини киритамиз:

(У3)" $\ddot{H}_x(t)$, $H_x''(t)$, $\dot{H}_x'(t)$, $\ddot{T}_x^{(m)}(t)$, $T_x^{(m)''}(t)$, $\dot{T}_x^{(m)'}(t)$, $m=0,1$, мавжуд ва узлуксиз, $(t,x)\in[\tau,T]\times[0,1]$.

Теорема 9. Фараз қилайлик, (У1), (У2) шартлар ва H_x, $T_x^{(0)}$, $T_x^{(1)}$ функциялар учун (У3)" шарт бажарилсин, $n\to\infty$ да $h_n\to 0$, $\frac{\log n}{nh_n}=o(1)$ ва $\frac{nh_n^5}{\log n}=O(1)$ бўлсин. У ҳолда $\tau\le t\le T$ да

$$F_{\tau xh}(t)-F_{\tau x}(t)=\sum_{i=1}^{n}\omega_{ni}(x;h_n)\Psi_{\tau tx}(\xi_i,\chi_i^{(0)},\chi_i^{(1)},\chi_i^{(2)})+R_n(t,x),$$

бу ерда

$$\Psi_{\tau tx}(\xi_i,\chi_i^{(0)},\chi_i^{(1)},\chi_i^{(2)})=\left(1-F_{\tau x}(t)\right)\left\{\int_{\tau}^{t}\frac{((I(\xi_i\le u)-H_x(u))-\lambda_{xh}(u))dT_x^{(1)}(u)}{(K_x(u)-H_x(u))^2}+\right.$$

$$+\frac{(I(\xi_i\le t,\chi_i^{(1)}=1)-T_x^{(1)}(t))}{K_x(t)-H_x(t)}-\frac{I(\xi_i\le \tau,\chi_i^{(1)}=1)-T_x^{(1)}(\tau)}{K_x(\tau)-H_x(\tau)}+$$

$$\left.+\int_{\tau}^{t}\frac{(I(\xi_i\le u,\chi_i^{(1)}=1)-T_x^{(1)}(u))d(K_x(u)-H_x(u))}{(K_x(u)-H_x(u))^2}\right\},$$

$$\lambda_{xh}(t)=K_x(t)\sum_{i=1}^{n}\left\{\int_{t}^{+\infty}\frac{(I(\xi_i\le u)-H_x(u))dT_x^{(0)}(u)}{H_x^2(u)}-\right.$$

$$\left.-\frac{I(\xi_i\le t,\chi_i^{(0)}=1)-T_x^{(0)}(t)}{H_x(t)}-\int_{t}^{+\infty}\frac{(I(\xi_i\le u,\chi_i^{(0)}=1)-T_x^{(0)}(u))dH_x(u)}{H_x^2(u)}\right\},$$

ва $n\to\infty$ да $\sup\limits_{\tau\le t\le T}\left|R_n(t,x)\right|\overset{\text{д.х.}}{=}O\left((nh_n)^{-3/4}(\log n)^{3/4}\right)$.

Теорема 9 дан $F_{\tau xh}(t)$ нинг $F_{\tau x}(t)$ учун $t\in[\tau,T]$ да текис кучли асосли эканлиги келиб чиқади.

Диссертациянинг 3.2 параграфида 3.1 параграфда кўриб ўтилган тасодифий цензурланишнинг информатив моделида яримпараметрик баҳо тадқиқ этилган. $N_x(t)=P(\min(Z_x,Y_x)\le t)=1-(1-F_x(t))(1-G_x(t)),\ t\ge 0$ бўлсин. Биз икки томондан цензурланиш информатив бўлган, яъни цензурловчи т.м. лар тақсимотлари F_x ва N_x лардан қуйидагича ифодаланувчи бўлсин:

$$\begin{cases}1-G_x(t)=\left(1-F_x(t)\right)^{\theta_x},\\ \quad K_x(t)=\left(N_x(t)\right)^{\beta_x},\end{cases}\tag{7}$$

бу ерда θ_x ва β_x лар мусбат номаълум параметрлар. Курилаетган (7) фиксирланган дизайн регрессия модели қуйидаги теорема орқали характерланади.

